

технологии экологического и физического воспитания человека, совершенствуя формирование экологического сознания и экологической культуры.

## SUMMARY

This article defines, the main categories and concepts that allow to present the ecological education of students in the perspective of physical culture of the individual. The functions examined allow the student to master various technologies of ecological and physical education of the person, which ensure the formation of ecological consciousness and ecological culture.

## ТАЛАБАЛАРНИ ИЖТИМОЙИ ФАОЛ ШАХС ҚИЛИБ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИНИНГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ

И.Ш.Алқаров – физика-математика фанлари номзоди  
Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**Таянч сўзлар:** таълим, тарбия, комил, инсон, ижтимоий, фаол, шахс, шакллантириш, методология, маданиятлар, кадрлар ва б.

**Ключевые слова:** образование, воспитание, совершенствование, человек, социальный, активный, личность, формирование, методология, культуры, ценности и др.

**Key words:** education, upbringing, perfect person, socially active person, formation, methodology, cultures, values, etc.

Инсоният пайдо бўлибдики етукликка интилган. Буни биз Ўрхун-Энасой обидалари ва улардаги битиклар, “Авесто” ва аждодларимиз томонидан ёзиб қолдирган қўлёзмаларда инсонларни комилликка интиштириш ўз ифодасини топанлигида кўрамиз. Ҳозирги пайтда ҳам бу жараён ўз долзарблигини йўқотган эмас. Умуман педагогикада комил, етук, ижтимоий фаол шахсни шакллантириш масаласи бўйича доимий равишда илмий тадқиқот ишлари амалга оширилиб келинмоқда. Педагог ва тарбияланувчиларнинг ўзаро муносабатларида инсонпарварлик аспекти И.Кантнинг ҳар бир инсонга ўз мақсадларига эришиш ва ўзини бошқалар учун бир воситага айланишига йўл қўймасликни ифодаловчи қатъий мажбурламаслик ғоясига асосланади.

Бу, ўз навбатида, таълим-тарбия жараёнида инсон учун унинг мақсадига айланганига қадар педагогик дастурларни амалга ошириш воситаси бўлмаслигини англатади. Таълим-тарбия ҳамкорликдаги ҳаётий фаолият жараёни бўлиб, “болага унинг имкониятларини амалга оширишга ёрдамчи”дир (Э.Фром), Бунда тарбияловчи қатъий ёшдаги инсон-бола ва маданият олами ўртасидаги воситачи (Д.Б.Элкони) сифатида тушинилади [7:61].

Бугунги кунда ёш авлодни ижтимоий фаол шахс қилиб шакллантиришга доир барча вазифаларни бир тўхтамга келтириш, унинг назарий ва амалий жиҳатларини ишлаб чиқиш, олий таълим тизими учун жорий этиш механизмларини белгилаш каби вазифалар ўз ечимини кутмоқда.

Демократик жараёнда талабалар ижтимоий фаоллигига қўйилаётган замонавий талаблар билан уларнинг билим, малака ва кўникмалари, мавжуд ижтимоий фаоллик компетенциялари ўртасидаги номутаносиблик мавжудлиги асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “Биз азиз ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва барқамол этиб тарбиялаш борасидаги ишларимизни янги босқичга кўтариш мақсадида янги таҳриридаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунни қабул қилдик. Шу асосда янгича ёндашувлар ҳаётга фаол жорий этилмоқда”. “...Бу ҳақда сўз юритганда айтиш лозимки, биз улғу боболаримизнинг муносиб давомчилари бўладиган етук инсонларни тарбиялаш масаласига, афсуски, етарлича аҳамият бермадик. Ҳолбуки, интеллектуал ва маданий салоҳиятни қандай ноёб бойлик экани, нодир талант эгаларини тарбиялаб камолга етказиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини унутишга ҳаққимиз йўқ” [4] деб таъкидлаган.

Ўзбек халқи ва унинг педагогик қарашларининг дастлабки илдирилари жуда қадимий тарихга эга, яъни улар “Авесто”га, Ўрхун-Энасой обидаларига, Селенгур маданиятига бориб тақалади. “Авесто”даги асосий ғоялардан бўлмиш “Эзгу фикр → эзгу сўз → эзгу

амал” тизими кишиларга кўнгил маърифатини бериш борасидаги қарашлар ёзма миллий педагогикамизнинг дастлабки асослари бўлиб, унда ва шу каби нодир қўлёзмаларимизда комил инсонни шакллантириш муаммолари ечими ифода этиб келинган. Бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган педагогик таълимнинг асосий мақсадларидан бири миллий тарбиямизга барқамол шахс маънавиятини шакллантиришнинг дидактик асоси сифатида қараб, барқамол авлодни тарбиялаш муаммоларини ҳал қилишга қаратилмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони 1 иловасининг 4.5. “Ёшларга оид давлат сиёсати такомиллаштириш” бандида “жисмонан соғлом, руҳан ва аклан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш” [3] лозимлиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-4391-сонли қарориди белгиланган “олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг маънавий-ахлоқий мазмунини кучайтириш, ёшларни мустақиллик ғояларига садокат, миллий қадриятларга ҳурмат, инсонпарварлик ва юксак маънавий ғоялар асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёш ғоя ва мафкураларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш” [2] устувор йўналиш сифатида белгиланган. Бу эса ўз-ўзидан ушбу мавзунинг қанчалик зарурлиги ва долзарблигини далолат беради.

Ушбу устувор масалаларни ҳал этиш мақсадида айрим муаммоларни ҳал этиш бўйича қуйидаги тарихий маънавий манбаларни чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш, ўзлаштириш ва уларни ўз турмуш тарзимизга жорий этишимиз лозим:

- “Авесто”даги “Эзгу фикр → эзгу сўз → эзгу амал” тизими бўйича билдирилган асосий ғояларни амалга ошириш, яъни бунёдкорлик ғояларини талабалар онгига синдириш методологиясини эгаллаш ва ёшлар тарбиясида улардан самарали фойдаланиш;

- Қуръони карим, Ҳадиси шарифлардаги манбалар бўйича ёшлар онгига маънавий-руҳий поклик мезонлари ва тамойилларини синдириш;

- Абу Наср Фаробийнинг фозил одамлар ҳақидаги таълимоти асосида таълим-тарбия бериш;

- Абу Райҳон Беруний, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Али ибн Сино ва Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмийларнинг педагогик ва фалсафий қарашлари асосида таълим-тарбия бериш;

- Юсуф Хос Ҳожиб ва Аҳмад Югнакий асарларида тасвирланган бенуксон инсонлар ҳақидаги таълимотлари асосида таълим-тарбия бериш;

- Абдуҳолик Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аз-Замахшарий, Ал-Маргиноний, Нажмиддин Кубро, Ҳожа Аҳрори Валий, Имом ал-Бухорий, Ат-Термизий, Ал-Мотрудий, Сўфи Оллаёр ва бошқаларнинг комил инсон ҳақидаги таълимотлари асосида таълим-тарбия бериш;

- Амир Темур “Тузуқлари”, Муҳаммад Қозизоданинг “Хукмдорга ўғитлар” ва Кайковуснинг “Қобуснома” асарларида асосланган таълимотларга таянган ҳолда таълим-тарбия бериш;

- Алишер Навоийнинг адолатли жамият ва комил инсон таълимоти асосида таълим-тарбия бериш;

- Тўркистонда Жаҳидчилик ҳаракати намояндалари ғоялари асосида таълим тарбия бериш;

- Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев таъбири билан айтганда, Биринчи ва Иккинчи Ренессанс ҳамда янги Ўзбекистонда шароитида шаклланидиган таълимотлар ва таъқиқот натижасида шаклланиган тизим орқали таълим-тарбияни амалга ошириш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш;

- Ўзбек халқи педагогикаси намояндаларининг баркамол инсон таълим-тарбияси ҳақидаги назариялари асосида таълим-тарбия бериш ва улар асосий манбаимиз ва дастуриймиз бўлмоғи даркор.

Бундай имкониятлар Янги Ўзбекистонда эркин фикрлашга тўлиқ имкониятлар яратилиши билан боғлиқ ҳолда юзга кела бошлади. Натижада педагогикада соғлом ақл, ижодий муҳит, миллий руҳият ва анъаналар, урф-одатлар, маросимларга мос тарзда таълим-тарбияни олиб бориш имконияти яратилди.

Бу борада олиб борилган илмий изланишларимиз натижалари, бундан уч минг йил илгари даврда ҳам диёримизда яшовчи одамларнинг орасида педагогик қарашлар шаклланишини кўрсатмоқда. Бунга ёрқин мисол қилиб, ўша даврдаги “Авесто”нинг таълим-тарбия соҳасидаги таълимоти ривожини қайд этиш мумкин.

“Авесто”даги “Эзгу фикр → эзгу сўз → эзгу амал” тизими “Ёмон фикр → ёмон сўз → ёмон амал” тизимига қарама-қарши қўйилган ва асрлар давомида халқларимиз адолат тантанасига интилиб яшаган. Шу сабабли жамият тараққиётида “адолат” мезони доимо муқаддас бўлиб қолаверган. Шунингдек, бутун дунёга машҳур қомусий олимларимиз, диёримизда яшаган буюк алломаларимиз, нафақат қомусчи ва ҳадисчи олимлар, балки машҳур шоирлар, ёзувчилар ва тарихчилар бўлиб дунёга танилган. Антик давр тарихчилари, аждодларимиз томонидан яратиб қолдирилган эпик дастонлар ва ривоятларда ҳам ватан ҳимояси, юрт тинчлиги, миллат ғурури йўлида мардонавор курашган ёш йигит-қизларимизнинг мардлиги, ботирлиги ва ахлоқий ҳислатлари улуғланган [7].

Миллий маънавият умуминсоний қадриятлардан ажралган ҳолда камол топа олмайди. Ҳозирги кунда энг муҳим, энг долзарб вазифа жамият аъзоларини, авваламбор, вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Асрлар давомида аждодларимизни ақлу заковати билан юзага келган миллий қадриятлар инсон шахсининг ҳар томонлама камол топишида етакчи омил сифатида хизмат қилиб келган. Шундай экан, улар ҳозирги давр кишиси, хусусан, ёшларнинг миллий тушунчасини, онгини бойитиб боришда катта аҳамиятга эга. Миллий қадрият тушунчаларини киши

онгида шакллантирмай комил инсон тўғрисида гапириш қийин.

Ўзбек халқининг ёш авлодни ҳаётга тарбиялашда кўп асрлар давомида қўллаган усул ва воситалари, тадбир шакллари, ўзига хос урф-одати ва анъаналари, тарбия соҳасидаги ҳаётий тажрибалари халқ педагогикасида мужассамланган.

Албатта, юқорида қайд этганларимиз миллий тарбиямизда муҳим аҳамиятга эга, улар туфайли ёшларимиз онгида шаклланидиган миллий ғурур ниҳоятда мустаҳкамланади. Ана шундай муҳим манбалардан бири-жаҳидчилик ҳаракатидир. Улар тўғрисидаги бой манбалар бугунги кунда кўплаб топилади.

Хорижий давлатларда, хусусан Европа мамлакатларида инсонлар ҳаётининг турли соҳаларида, маънавий тарбиявий ҳаётида юз бераётган маънавий инқирозни ҳолисона таҳлил қилган тадқиқотчилар Ғарб мафкураси ҳалокат сари бораётганлигини ҳар томонлама асосланган ҳолда ошқора айтмоқдалар. Хусусан, америкалик таниқли файласуф ва сиёсий шарҳловчи П.Ж.Бьюкененнинг кейинги даврда чоп этган китоблари “Буюк хонлик: Америка суверенитети ва ижтимоий адолат глобал иқтисодиёт тангрисига қурбон этилганлиги ҳақида” (1998), “Ғарб ҳалокати: аҳолининг қайишиши ва муҳожириликнинг қучайиши мамлакатимиз ва тамаддунимизга қандай таҳдид солмоқда” (2001), “Ўнларнинг сўлларга айланиши” (2004) ва “Ғарб ҳалокати” китобларида АҚШда вужудга келган вазиятни чуқур ва атрофлича ўрганиб, таҳлил қилиб, мазкур давлатининг таназулга юз тутишини шунингдек, маънавияти ва маданиятининг емирилаётгани, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган қадриятлар топталаётгани, урф-одатлар йўқолаётгани билан боғлайди ва бундай ҳолатлар тепасида турган “маданий инқлобчилар”ни П.Бьюкенен “замонамиз толибонлари” деб атаган ҳам қутилаётган таҳдиднинг юқори эканлигидан далолат беради.

Бўлажак ўқитувчиларни, яъни ўқувчи-талабаларни ҳар томонлама тарбиялаш учун олдин қўйилмаган вазифаларни амалга ошириш талаб этилади. Илгари бузғунчи ва бунёдкор ғоялар ўргатилиб келинган бўлса, бундан кейин олган билимларини ҳаётга, амалиётга тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширувчи блогерлар қилиб етиштириш давр талабига айланмоқда. Тарбия ўз мазмун-моҳиятига кўра, талабаларни ижтимоий фаол шахс, мукаммал мутахассис этиб тарбиялаш талаб этилмоқда.

Охириги йилларда бутун дунёда глобаллашув миллий маданият билан “оммавий маданият” орасидаги тўқнашув майдониغا айланди. М.Қуронов, Ф.Эсонбобоевларнинг “Гибрид олмадан ..... Гибрид одамгача” номли рисоласида “Оммавий маданият” – бугунги кунда ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга интилаётган мураккаб мафкуравий воситага айланмоқда. Шу боис олий ва профессионал таълимида ҳамда умумўрта мактабларида ўқувчилар, талаба ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш учун оввола ушбу таҳдиднинг мазмун-моҳиятини билиши лозимлиги” [9] алоҳида таъкидланади. Меҳнатни бизнес, севгини секс, яхшилик қилишни моддий ёрдам беришни зарарли инвестиция, “ресурсларни мақсадсиз сарфлаш”, ҳаё ва андишанинг “имкониятни бой бериш”, ота-боболаримиз ўғитларини “эскилик саркити”, деб тарғиб қилишди. Натижада инсонни ўз миллий қадриятларида, халқидан ажратиб, ўз менига қўшиб олмоқда ва жаҳондаги барча миллий маданиятларнинг емирилишига сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги кунда ёшларни халқимиз оғзаки ижодиёти, таълими анъаналари асосида тарбиялаш, ахлоқий, маърифий-эстетик руҳда камол топтириш ҳар қачонгидан кўра ҳам долзарброк муаммолардан бўлиб

қолмоқда. Бу соҳадаги асосий муаммолар, амалга оширилиши ниҳоятда зарур бўлган амалий ва назарий ишлар, ташкилий изланишлар бизнинг назаримизда қуйидагилардан иборат:

- ёш авлодни миллий одоб-ахлоқий тарбиясида фольклор, шунингдек қадимий қадриятларимизда ифодаланган миллий ва умумбашарий ҳислат-фазилатлар асосида тарбиялашга эришиш;

- халқ оғзаки ижоди томи маънода одобнома, халқ маънавиятининг ажралмас қисмидир. Чунки, халқ оғзаки ижодининг қайси шакли бўлмасин, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, халқ ахлоқий қарашларининг у ёки бу жиҳатлари ўз ифодасини топган бўлади. Демак, халқ оғзаки ижоди одобномаси, унинг таълим-тарбиявий томонларидан кундалик ҳаётимизда ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ фойдалана билиш давримиз, истиқлолимиз талабларидандир;

- “Ўзбек халқ педагогикаси”нинг кўп жилдли тарихини яратишни вақти келди;

- илмий-назарий тадқиқотлар ва амалий фаолиятида ўзбек миллий таълим-тарбия ва анъаналарининг нафақат ахлоқий, маърифий-эстетик жиҳатларидан фойдаланиш, балки унинг улкан қисми - халқ анъанавий спорти, жисмоний тарбия ва фольклор ўйинларининг, шу жумладан, байрам сайилларининг фарзандлар жисмоний, ақлий тарбияси, бақувватлиги, чаққонлиги, эпчиллиги, мухтасар айтганда, ҳар томонлама ақлий-жисмоний ривожланишининг синалган анъаналаридан мақсадга мувофиқ фойдалана билиш.

Жамият маънавиятини шакллантириш ва ривожлантириш тарбия, таълим жараёнини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Ҳар қандай таълим тарбия билан уйғунлашгандагина етук билимга юксак маънавиятга замин бўлади ва шахсни ижтимоий фаол қилиб тарбиялашда пойдевор вазифасини ўтайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 30 октябрдаги Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида “Ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу – илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ”, деб таъкидлаган эди.

Буюк юнон олими Аристотелнинг “Ватан тақдирини ёшлар тарбияси ҳал қилади”, деган сўзлари бор. Қаранг, бу фикрлар милoddан аввал айtilган. Демак, инсоният онгли ҳаёт кечира бошлаган даврдан буён таълим ва тарбия масаласи, доимо долзарб аҳамият касб этиб келмоқда [5].

Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида барча тармоқлар каби тарбия соҳаси ҳам инновацияга муҳтожлиги билинмоқда. Президентимиз томонидан олиб борилаётган ислохотлар, қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси ва унинг амалиётга татбиқи ёшлар онгига, тарбиясига самарали таъсир кўрсатмоқда. Тарбияга бефарқ ва лоқайд миллат, керак бўлса ҳар қандай давлат ҳам таназулга учраши мумкин.

Мухтарам Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда” асарида “Олтинчи устувор вазифа: биз янги шароитда маънавий-маърифий ишларни кучайтиришга интилолмақдамиз. Бундай ёндашув – бугунги ва келгуси ривожланишимиз учун мустаҳкам пойдевордир” деб таъкидлаши бу соҳада қиладиган ишларимиз ўта долзарблигини билдиради.

Янги Ўзбекистон барпо этиш – яқин ва олис тарихимиз, бетакрор ва наёб маданий бойликларимизни

янада чуқур ўрганиб, уларга таяниб, мустақил миллий тараққиёт йўлимизни янги босқичда давом эттириш демакдир” [6] деб эътироф этганлиги мамлакатимиз, халқимиз буюк уйғониш даврига қадам қўйганлигидан далolat беради.

Буларнинг ҳаммасида азалий қон-қонимизга сингиб кетган адолат тантанаси, ноҳақликка ва ёвузликка нафрат ўз ифодасини топган. Яна бир диққатга сазовор томони шундаки, она диёримизда яшаган барча улуг аждодларимиз (олимлар), шоирлар, ёзувчилар, тарихчилар, қаҳрамонлар, давлат арбоблари ва раҳбарлари келажак авлод ва унинг тарбиясига алоҳида эътибор бериб келган. Улар томонидан жаҳонга машхур бўлган кўплаб мадрасалар, дорилфунунлар ва академиялар яратилган. Натижада, уларда таълим-тарбия топган донишмандларимиз жаҳон фани ва маданиятига ҳамда комил инсон тарбияси, ривожига салмоқли ҳисса қўшганлигининг гувоҳи бўламиз ва буларни ўрганиш орқали ёшлардаги миллий ғурур, ҳамда ватанпарварлик ҳисси янада ривож топмоқда.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 30 октябрдаги “Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимда”ги нутқида “..... антик даврда Юнонистонда ёнган илм машъаласи тўққизинчи – ўн иккинчи асрларда Марказий Осиё ҳудудида қайта порлади. Бу даврда юртимиз ҳудудида биринчи Ренессанс юзага келди ва у бутун дунё тан оладиган машхур даҳоларни етиштириб берди. Хусусан, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий сингари ўнлаб буюк алломаларимизнинг жаҳоншумул илмий-ижодий кашфиётлари умумбашарият тараққиёти ривожига бекиёс таъсир кўрсатди. “Ислom маданиятининг олтин асри” деб эътироф этиладиган бу даврда она заминимиздан етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абул Муъин Насафий каби улуг уламолар бутун мусулмон оламининг фахру ифтихори ва чексиз ғурури ҳисобланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда биринчи Ренессанс даврида Ўрта асрда яшаган Шарқнинг машхур файласуф олимларидан Фаробий, Ибн Сино, Ибн Рушд ва бошқалар юнон олимлари асарларига шарҳлар ёздилар. Бу шарҳларда улар ўзларининг илғор фикрларини олға сурдилар.

Ўн бешинчи асрда Соҳибқирон Амир Темур бобомиз асос солган ва унинг муносиб авлодлари давом эттирган муҳташам салтанат, юртимизда иккинчи Уйғониш, яъни иккинчи Ренессанс даврини бошлаб берди. Бу даврда Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Ғиёсиддин Коший, Али Қушчи сингари беназир олимлар, Лутфий, Саккокий, Ҳофиз Хоразмий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби мумтоз шоир ва мутафаккирлар майдонга чиқди. Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар, Маҳмуд Музаҳҳиб, Камолиддин Беҳзод сингари мусаввирлар, кўплаб хаттот ва созандалар, мусикашунос ва меъморларнинг шуҳрати дунёга ёйилди. Донишманд халқимиз ҳар икки Ренессанс даврида жаҳоннинг энг илғор, тараққий этган халқлари қаторида бўлгани барчамизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди. Биз Учинчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз” – деб таъкидлади.

Юқорида Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг билдирган фикр ва мулоҳазаларидан келиб чиқиб, бу соҳадаги кўп йиллик олиб борилган илмий изланишларимиз натижалари миллий тарбиянинг тарихий босқичларини қуйидагича ифодалаш мумкинлигини кўрсатмоқда:

- Зардуштийлар таълимотига асосланган таълим-тарбия;
- биринчи Ренессанс даврини (“Илк уйғониш даври” таълим-тарбияси);
- “Ислом маданиятининг олтин асри” таълим-тарбияси;
- иккинчи Ренессанс даврини; “Сўнгги уйғониш даври” таълим-тарбияси;
- Жадиличлик ҳаракатига асосланган таълим-тарбия;
- “Шўро даври”! таълим-тарбияси;
- Мустақиллик педагогикаси;
- Учинчи Ренессанс даври таълим-тарбияси.

Энди қайд этилган миллий тарбиямиз босқичлари негизда миллий тарбиямизнинг маънавий асосларига қисқача тўхталамиз.

Ўтмишимизни чуқур ўрганиш келажакка тўғри ва аниқ йўл топиш имконини беради. Бу борада Абдулла Қодирий ўзининг машҳур “Ўтган кунлар” романида “Мозийга қайтиб иш қўриш хайрлик, дейдилар. Шунга кўра, мавзун мазийдан, яқин ўтган кунлардан, тарихимизнинг энг қирлиқ, қора кунлари бўлган кейинги “хон замонлари”дан белгуладим” - [12] деб бежиз айтмаган. Қолаверса, қайси халқнинг маданий тарихи қанчалик қадимий бўлса, ўша халқнинг ахлоқий ғўзаллиги, урф-одат ранг-баранглиги бекиёс, таълим-

тарбия тизими илдизлари ҳам шунчалик чуқур бўлади. Ҳар қандай маданият, ахлоқ, урф-одат, анъана ва таълим-тарбия инсоний фаолиятнинг кечинмалари, синовлари, бой ҳаётий тажрибалари асосида юзага келади, мақбуллари авлоддан-авлодга ўтади ва келажакдаги тарбиявий ишлардаги йўл-йўриқларни белгилаб олишда мустаҳкам маънавий асос бўлади.

Учинчи Ренессанс даври таълим-тарбияси, метадалогик асослари, ғояси, мазмун-моҳияти, имкониятлар Мухтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан қабул қилинган қарорлар, фармонлар ва нутқларида асос солинган. Республикамиз тараккиёти ва келажакдаги таълим-тарбия соҳасида сифат ўзгаришларини амалга ошириб талабаларни ижтимоий фаол шахс қилиб шакллантириш жараёнида юқори самарадорликка эришишга, уларнинг жаҳон таълими ва миллий таълим-тарбия талаблари мос ва амалий ҳаётда ўз ўрнини топа олиш даражасида таълим-тарбия беришга боғлиқ.

Таълим-тарбиядаги сифат ўзгаришлар ва юқори самарадорлик кўпроқ миллий педагогикамизнинг тарихий илдизлари ва замонавий ютуқларини талабалар онгига сингдиришни қай даражада олиб борилганлигига боғлиқ бўлиб, у талабаларни ижтимоий фаол шахс қилиб шакллантиришда мустаҳкам асос бўлади.

#### Адабиётлар

1. “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонун. 2016 йил 14 сентябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил. 29 декабрь.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар қунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 2020 йил 30 сентябрь.
6. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. – Тошкент: Ўқитувчи. МУ МЧЖ.2021. 184-б.
7. Алқаров И.Ш. Таълим муассасаларида талабаларни ижтимоий фаол шахс қилиб шакллантиришнинг педагогик асослари. I қисм. Монография. -Т.: Иқтисод-молия. 2010.
8. 1001 саволга 1001 жавоб. Психология фанлари доктори проф. Ғ.Б.Шоумаров таҳрири остида (Юнеско, ЮНФПА лойиҳаси асосида). -Т.: “Мехнат”. 2000. 192-б.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақоланинг мақсади ижтимоий фаол шахс қилиб шакллантиришнинг тарихий илдизлари татқиқ этиш, таҳлил қилиш ва унинг мазмун моҳиятини очиқ бериш. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун Ўрхун-Энасой битиклари, “Авесто” ва аждодларимиз томонидан ёзиб қолдирган қўлёзмалар, биринчи ва иккинчи Ренессанс буюк аждодларимиз томонидан яратилган ҳамда Янги Ўзбекистонда қутилаётган Ренессанс ва буни амалга ошириш учун яратилаётган шарт-шароитларни ўрганишдан иборат.

#### РЕЗЮМЕ

Цель исследования - изучить, проанализировать и раскрыть сущность исторических корней становления социально активной личности. Для достижения этой цели орхонско-энасайские надписи, Авеста и рукописи, написанные нашими предками, первое и второе Возрождение, созданные нашими великими предками, и условия для ожидаемого возрождения в Новом Узбекистане.

#### SUMMARY

The purpose of this article is to investigate, analyze the historical roots of the formation of a socially active person and reveal the essence of its content. To achieve this goal, the Orkhon-Enasay inscriptions, manuscripts written by the Avesto and our ancestors, the first and second Renaissance created by our great ancestors and the expected Renaissance in New Uzbekistan and the conditions created for its implementation are studied.

### АКАДЕМИК Ж.БАЗАРБАЕВ МИЙНЕТЛЕРИНДЕ ОҚЫҰШЫЛАРДЫҢ ХҰҚУҚЫЙ ТӘРБИЯСЫН ҚӘЛІПЛЕСТИРИҰ ХАҚҚЫНДАҒЫ ПИКІРЛЕРІ

Б.И.Арзиева – үлкен оқытушы

Әжинуяз атындағы Нөкіс мәмлекетлик педагогикалық институты

**Таянч сўзлар:** ҳуқуқ, маданият, урф одат, тарбия, конституция, низом.

**Ключевые слова:** право, культура, традиция, воспитание, конституция, закон.

**Key words:** right, culture, customs, education, constitution, law.

Уллы ойшыл, жетик алым, ардаклы устаз, академик Жуманазар Базарбаев ҳәр тәрәплеме жетик кәмил инсан сыпатында жаслар қалбинде мәңги жасай береді. Устаздың кәмил инсанлығы – оның Ұатан сүйиўшилиги, кәсибине садықлығы, халқымыздың салт-дәстүрлерине хәм де миллий қәдириятларына жанкүйерлиги, ең баслысы заман менен тең кәдем таслап баратырған ақыл-закаўаты, жаслар тәрбиясына деген үлкен итибарында анық көринеди.

Филология илимлериниң докторы, профессор К.Алламбергенов өз дәрәтпелеринде, «Академик Ж.Базарбаев – әдебиятымыз жанкүйери, заманымыздың алдыңғы қатар зыялысы, үлкен ойшыл философ алым болып табылады» - деп жоқары баҳа берген еди [4:11].

Академик Ж.Базарбаев жасларға билим берип, илим үйретиў менен бирге, келешек әўлад ушын үлкен мәнәўий, миллий қәдириятларға бай тәрбия мектебин дәретти. Оның өмир жолы, дәрәтпелери, еске алыўы жаслар ушын тәрбия дереги есапланады.